
**Фарзанди борлигини унутган ота !
уқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 15.06.2021
йилги қарздор Ж.Акбаралиевдан ундирувчи Д.Акбаралиева фойдасига
бир нафар фарзанди учун 1/4 қисм миқдорида алимент ундириш
белгиланган.**

Мазкур ижро ҳужжати бюронинг Бешариқ туман бўлими томонидан ижрога қабул қилиниб,
мажбурий ижрога қаратилган.

Давлат ижрочисининг 20.07.2021 йилги қарорига асосан қарздорнинг Республикадан четга
чиқиш ҳуқуқлари чекланган.

Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида, қарздор 16 ой давомида 13.221.000 сўм
алимент пулини тўламаганлиги сабабли унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон
Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси билан жавобгарликка масаласини ҳал этиш учун ЖИБ
Бешариқ туман судига юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 05.10.2022 йилги қарорига асосан 15
сутка маъмурий қамоқ жазо чораси қўлланилди.

Қарздор Ж.Акбаралиев фарзанди борлигини ҳис этиш учун 15 сутка қамоқ жазо чораси
етарли деган умиддамиз.

МИБ Бешариқ туман бўлими

Давлат ижрочиси

Ш.Мирзалиев

2022-10-06 19:00:38